

# Империя расмий амалдорлари ва тафтиш комиссияларининг Туркистони аграр муносабатларига доир фаолияти

Абубакир Адилбоевич Бойқобилов  
Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

**Аннотация:** Илмий тадқиқотда Туркистон ўлка аграр муносабатларига оид расмий амалдорларнинг сиёсати, тафтиш комиссиялари хисоботларида ўлкадаги аграр муносабатларининг акс эттирилиши тадқиқ этилди.

**Калит сўзлар:** империя, амалдор, тафтиш комиссия, аграр муносабатлар

## The activities of the imperial officials and inspection commissions on the agrarian relations of Turkestan

Abubakir Adilboevich Boyqabilov  
Samarkand State University named after Sh.Rashidov

**Abstract:** In the scientific research, the policy of the officials regarding the agrarian relations of the country of Turkestan, the reflection of the agrarian relations in the country in the reports of the inspection commissions was studied.

**Keywords:** empire, official, inspection commission, agrarian relations

Империя маъмурияти ўлкада ер эгалигига алоҳида эътибор берди. Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман бу борада ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб қатор тадбирларни амалга оширди. Хаттоки 1867-1881 йиллар давомида ўлкани бошқаришда ерга эгалик масаласида бир неча янги лойиҳаларни ишлаб чиқишга бошчилиқ қилиб, баъзи ҳолатларда эса бу соҳада тажрибалар ҳам ўтказди. 1868 йилнинг бошида маҳаллий аҳоли ва кўчманчиларнинг ер ҳуқуқларини ўрганиш ҳамда аниқдаш, ундан ташқари, ҳукумат ер ва мулк эгалиги масаласида қайси ер ҳуқуқига риоя қилиши кераклигини ҳал қилиш мақсадида, “Харбий округ кенгаши” аъзоси бўлган полковник М.Н.Николаевга “келажакда маъмурий фаолиятни юритиш учун ўлкада ер-сув муносабатларини ўрганиб чиқиш” бўйича топшириқ берди. Полковник М.Н.Николаев маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳоли орасида мавжуд ер эгалиги ҳуқуқини аниқлаш, шундан келиб чиққан ҳолда ҳукумат учун қайси

тартиблардан фойдаланиши самарали эканлигини кўрсатиб бериши лозим эди<sup>1</sup>.

Полковник М.Н.Николаев, генерал штаб штабс-капитани В.Комаров ва шархшунос А.Кунлар берилган топшириқлар устида ишлаб 1869 йил 11 августда Туркистон генерал-губернаторига ўлкада ер эгалигининг “назарий ва юридик” жихатларига аниқлик киритилган маълумотларни топширди. М.Н.Николаев ўз хисоботида Туркистон аҳолисининг ерга бўлган ҳуқуқини уч турга: кўчманчи халқлар, ўтрох аҳоли ва рус миллатига мансуб аҳолининг ерга бўлган ҳуқуқларига бўлди. У ўтрок аҳоли масаласига алоҳида ёндашди. Аввало, ерга эгалик турлари ва улардан олинган солиқлар ҳамда маҳаллий аҳолининг ер-сувга бўлган муносабати империядаги бошқа мусулмонларникидан фарқ қилиши хақида маълумотлар тўплади. М.Н.Николаев тайёрлаган хулоса жами 12 банддан иборат бўлиб, хисоботда империя таркибига ўтган барча ерларни қандай бўлишидан катъи назар ҳаммаси давлат мулки бўлиши лозимлиги таъкидланди. Фақатгина “мулк ерлари” хусусий мулк хисоблаиши, лекин уларда авлодлардан ўтиб келганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозимлиги қайд этилди<sup>2</sup>.

1869 йил 6 октябрда К.П.Кауфман маҳаллий маъмурлар ҳамда аҳоли вакилларидан иборат янги комиссия тузди. Ўлка генерал-губернаторлиги девонхонасининг бошлиғи А.И.Гомзин комиссияга раис этиб тайинланди. Комиссия таркибига Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи, полковник Эйлер, Еттисув вилояти бошқармаси бошлиғи Озеров, Жиззах уезди бошлиғи Носович, Авлиёота уезди бошлиғи Мадинский, Чимкент уезди бошлиғи ёрдамчиси Герасимов, девонхона иш юритувчиси Савенковлар киритилди. Комиссияга “ўлкада ер-сув муносабатларини муҳокама этиш ва масалаларни хал этиш” топшириғи берилди. Лекин комиссия аъзолари маҳаллий тилни ва шариат қонун-қоидаларини билмаслиги боис ўзларига юклатилган вазифани тулиқ бажара олмади. Тулиқ хисобот ололмаган К.П.Кауфман рус ва маҳаллий маъмурият ходимларидан, халқ вакилларидан, шунингдек, ҳар бир уездан яна 2 нафардан кишини комиссия аъзолигига киритди<sup>3</sup>.

Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Изданъ Ферганскимъ областнымъ Статистическимъ комитетомъ. - Новый Маргеланъ, 1905. - С. 4.

Александров Н.Н. Земледелие в Сыр-Дарьинской области. - Ташкент: Часть 1-2, 1916. - С. 12.

“Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Тошкент: Академия, 2002. - 90 б.

Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867-1886 гг.). - Ташкент, 1963.-

Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX - начало XX вв.). - Ташкент, 1969. - С. 24.

Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867-1886 гг.). - Ташкент, 1963. - С. 18.

УзМА, И-1-фонд, 14-руйхат, 9-йигмажилд, 20-варак.

50<sup>АЗМА</sup>, 14-руйхат, 9<sup>а</sup>-йигмажилд, 16-варак..

Уроков Д.Ж. Туркистонда Россия империяси маъмуриятининг расмий хисоботлари - тарихий манба сифатида (XIX аср охири - XX аср бошлари): Тарих файл. номз. ... дисс. - Тошкент, 2006. - 76 б.

Благовещенский В.Ц. Къ вопросу о вакуфахъ в Сыр-Дарьинской области. Сборникъ матерiаловъ для статистики Сыр-Дарьинской области. Изд. Сыр-Дарьинскаго областного Статистическаго комитета. Под ред. секретаря комитета И.И.Гейера. - Ташкент: Типо-литографiя С.И. Лахтина, 1891. — С. 21.

Ўтказилган комиссиялар хисоботидан келиб чиқиб, 1871 йилда К.П.Кауфман томонидан тайёрланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом лойихаси Харбий вазирликка топширилди. Лойихага харбий вазирлик томонидан кўплаб эътирозлар билдирилди. К.П.Кауфман лойиханинг турли қисмлари устида қайта ишлаш учун алохида комиссиялар тузиш мақсадида 1872 йил 27 январда Зарафшон округи бошлиғи, генерал-майор А.К.Абрамовга 659 ракамли хат йуллади. Унда харбий вазир Д.А.Милютин билан келишилган холда Низом лойихасини “махаллий шароитлардан келиб чиқиб чуқур ўрганган холда қайта ишлаб” кейин конун доирасида тасдиқлаш 1872 йил кузига қолдирилганлигини билдирди. Шундан сўнг Низомнинг хар бир бўлими устида ишлаш учун комиссиялар тузилди. У комиссиялардан бирига А.К.Абрамов раис этиб тасдиқланди. Комиссия олти ой давомида ишлаб, маълумотларни аниқлаштириш ва жамлаш мақсадида ўлка қишлоқларига икки марта бориб, у ердаги ахвол билан танишди. 1872 йилнинг ёзида А.К.Абрамов бошчилигидаги комиссия фаолиятига оид хулосаларни ўлка гсиерал-губернаторлигига топшириб, ўз фаолиятини тугатди.

Генерал-губернатор К.П.Кауфман раислигида тузилган янги комиссия А.К.Абрамов таклифларини инобатга олиб, улкани бошқариш Низомининг моддаларига ўзгартиришлар киритди. Натижада, 1871-1873 йиллар ишлаб чпқилган ва тасдиқлаш учун тақдим этилган “Низом”ларда махаллий йирик ер эгалари мапфаатларп инобатга олиниб, уларга берилган қатор имтиёзлар хам сақлаб қолипди. Молия вазири, статс-маслахатчи М.Х.Рейтерн, Давлат назорати хамда Ташки ишлар вазирлиги бу лойихани охиригача ишланмаганлигини билдириб қайтарди”.

1881 йилда харбий вазир Туркистони генерал-губернаторлигидан Низомнинг охирги лойихасини топширишни сўрагач, генерал-лейтенант Колпаковский 1882 бошида хисоб бўйича учинчиси бўлган 1873 йилдаги Низом асос килиб олинган янги Низом лойихасини кўриб чиқиш учун генерал-адъютант М.Д.Скобелев бошчилигида алохида янги тузилган комиссияга топширди. Лекин, ўлкага келган янги генерал-губернатор бу комиссия фаолиятини тўхтатди, ўлкани янгидан тафтиш қилиш учун Ф.К.Гире бошчилигида янги комиссия тайинланди<sup>4</sup>. Ф.К.Гирс ўлкага келгач, Туркистон генерал-губернаторлигидан аввалги комиссиялар хулосалари ва ўлка бўйича маълумотларни унга тақдим этишларини сўраб ўлка генерал-губернаторига мурожаат қилди<sup>5</sup>. Комиссия ер-сув муносабатларини ўрганиш мақсадида ўтказган текширувлари натижаси 1886 йилдаги “Туркистонни бошқариш тўғрисидаги Низом”да ўз аксини топди.

Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867-1886 гг.). - Ташкент, 1963. - С. 49.

ЎзМА, И-1-фонд, 1-руйхат, 2319-йигма жилд, 73-74-варақлар.

ЎзМА, И-1-фонд, 1-руйхат, 2319-йигмажилд, 94-варақ.

Низомнинг қатор бандлари айнан ер-сув масалаларига бағишланди<sup>6</sup>.

Тафтиш комиссияси қишлоқларни айланиши, ер масалаларида муаммо чиққан жойларда ерга оид бўлган ҳужжатлар билан танишиб, аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш орқали вазиятни аввал тушуниб олиши, шу тарика ер можароларини холис ҳал этиш кераклиги, дехқонларнинг ерга эгалигининг ҳуқққий асосларини тўғри ёки нотўғрилигини ўрганиб чиқиши лозим эди. Ф.К.Гирс ўз ҳисоботида маҳаллий қишлоқлар ва рус қишлоқлари ўртасидаги ер муносабатларида қиёсий солиштириш хато бўлишини такидлаган ҳолда икки томоннинг хўжалиги ер билан боғлиқ эканлигини англаш лозимлигини, ўлкада ер-сув муносабатларида қура ташлаш билан иш юритиш умуман мумкин эмаслигини такидлайди<sup>7</sup>.

Россия империяси ҳукумати томонидан Туркистон ўлкасида 1908-1909 йилларда яна империя сенатининг аъзоси, граф К.К.Пален бошчилигида тафтиш ўтказиш учун комиссия тузилди. Туркистон ўлкасида ер эгалиги ва ердан фойдаланишда ўлканинг табиий-географик жойлашуви, жойларнинг топографияси муҳим аҳамият касб этганлиги боис, бу комиссия ўлкани ҳар томонлама чуқурроқ ўрганди. Комиссияга ўлка халқлари хўжалик ҳаётини тўлик ўрганиш вазифаси юклатилди. Шу мақсадда комиссия ўлка вилоятлари, уездлари ва деярли барча волостлари билан қизиқиб, уларнинг хўжалик ҳаётини тўлик ўрганиш учун ўлканинг 29 ҳудудини танлаб олди. Комиссия томонидан “Давлат мулки”, “Ер хўжалиги”, “Туркистонга кўчириш иши”, “Туркистонда суғориш ишлари” бўйича малумотлар тупланди.

Тафтиш комиссияси ўлка ҳудудларидаги ерларни суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларга ажратиб, уларни беш асосий турга бўлди: 1) водий ерлари; 2) водий-дашт ерлари; 3) тоғолди ҳудудлардаги ерлар; 4) тоғли ҳудудлардаги ерлар; 5) дашт ерлари. Шунингдек, комиссия ўлкада давлат бюджетига даромад келтирувчи майда ер эгалиги ва кўчманчи чорвачиликка ихтисослашган ер эгаликлари ҳам мавжуд бўлганини қайд этди. Бу икки соҳа йилига 6,5 миллион рубль даромад келтириб, империянинг молия ҳисоботида асосий база ҳисоблангани сабабли ўлкадаги бу икки соҳани алоҳида ўрганиб, унинг аҳоли ва эҳтиёжларини аниқлаш лозим бўлди.

К.К.Паленнинг тафтиш комиссияси ҳисоботларида ўлка ирригация ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Унга кўра, маҳаллий аҳоли ўзлаштирган ерлар суғорма дехқончилиikka ҳамда лалми ерларга асосланган. Бундай ерлар Каттакўргон, Ўш, Жиззах уездларидан ташқари бошқа жойларда ҳам бўлган. Фойдаланилган ариқларга қараб жамоаларнинг сони аниқланган.

Суёнова О. Чор Россиясининг Туркистонни бошқариш ҳақидаги 1886 йил Низомининг аграр бандлари ҳақида / О‘2Бек18Гоп ГапхГ - № 1. - Тошкент, 2002. - 27 б.  
Отчет ревизующего, по высочайшему повелению, Туркестанский край, тайного советника Ф.К.Гирса. — СПб., 1882.-С. 314.

Бундай жамоалар Чимкент уездининг Сайрам, Манкент, Қорамурт, Ицон, Карнох, Сузох, Челаққўрғон қишлоқларида ҳам бўлган.

Умуман олганда, Туркистон ўлкасида империя ҳукумати сиёсатининг қандай ҳолатда эканлиги, ўлкани янада яхшироқ ўрганиш барча соҳалар, хусусан, ер-сув муносабатларининг аҳволи ҳақида асосли ва тўғри маълумотларни тўплаш учун расмий тафтиш комиссиялари ташкил этилган. Бу комиссияларнинг ҳисобот тарзидаги ҳулосалари орқали ўлканинг ҳолати аниқланиб, ўлкадаги келгуси фаолиятларини давом эттиришда фойдаланишган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Изданъ Ферганскимъ областнымъ Статистическимъ комитетомъ. - Новый Маргеланъ, 1905. - С. 4.
2. Александров Н.Н. Земледелие в Сыр-Дарьинской области. - Ташкент: Часть 1-2, 1916. - С. 12.
3. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Тошкент: Академия, 2002. - 90 б
4. Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867-1886 гг.). - Ташкент, 1963.-
5. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX - начало XX вв.). - Ташкент, 1969. - С. 24.
6. УзМА, И-1-фонд, 14-руйхат, 9-йигмажилд, 20-варак.
7. Уроков Д.Ж. Туркистонда Россия империяси маъмуриятининг расмий ҳисоботлари - тарихий манба сифатида (XIX аср охири - XX аср бошлари): Тарих файл. номз. ... дисс. - Тошкент, 2006. - 76 б.
8. Благовъещенский В.Ц. Къ вопросу о вакуфахъ в Сырѣ-Дарьинкой области. Сборникъ матеріаловъ для статистики Сырѣ-Дарьинкой области. Изд. Сырѣ-Дарьинскаго областного Статистическаго комитета. Под ред. секретаря комитета И.И.Гейера. - Ташкент: Типо-литографіа С.И. Лахтина, 1891. — С. 21.
9. УзМА, И-1-фонд, 1-руйхат, 2319-йигма жилд, 73-74-вараклар.
10. УзМА, И-1-фонд, 1-руйхат, 2319-йигмажилд, 94-варак..
11. Суюнова О. Чор Россиясининг Туркистонни бошқариш ҳақидаги 1886 йил Низомининг аграр бандлари ҳақида / О‘2Бек18Гоп ГапхГ - № 1. - Тошкент, 2002. - 27 б.
12. Отчет ревизующего, по высочайшему повелению, Туркестанский край, тайного советника Ф.К.Гирса. — СПб., 1882.-С. 314.
13. Махмудова А. Н. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими //международный журнал Консенсус. – 2020. – Т. 1. – №. 1.

14. Nugmanovna M. A. et al. EDUCATION OF TOLERANCE IN YOUNGER GENERATION //Conferencea. – 2022. – С. 52-55.

15. Rakhmatullaevna U. L. THE MANIFESTATION OF THE EASTERN ROMANTIC SPIRIT IN MINIATURE ART //European science review. – 2021. – №. 5-6. – С. 65-68.

16. Rakhmatullayevna U. L. THE ROLE OF AESTHETIC EDUCATION IN THE MODERN WORLD //Confrencea. – 2022. – Т. 1. – №. 1.

17. Махмудов С. Х. и др. ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Интернаука. – 2020. – №. 25-2. – С. 31-32.

18. Турсунова Г. Б. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИНГ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА СОЛИҚ ТИЗИМИДА БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 8.

19. Hamida A. PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF THE PARADIGMAL APPROACH TO THE CONCEPT OF MODERNIZATION //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 10. – №. 1. – С. 15-18.

20. Abdumajidova K. GLOBALIZATION AND MODERNIZATION AS AN IMPORTANT FEATURE OF THE DEVELOPMENT OF MODERN SOCIETY //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 4. – С. 75-78.

21. G'offorov S. S., Umurov S. R. Rossiya imperiyasining Turkistonda ta'lim sohasi va vaqf mulkchilik siyosatiga munosabati tarixshunosligi masalalari //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 1120-1126.

22. Sharif Radjabovich Umurov Turkistonda XIX asrning ikkinchi yarmida vaqf mulklarining ahvoli // Science and Education. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/turkistonda-xix-asrning-ikkinchi-yarmida-vaqf-mulklarining-ahvoli> (дата обращения: 19.01.2023).

23. Махмудова А. Н. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими //международный журнал Консенсус. – 2020. – Т. 1. – №. 1.

24. Nugmanovna M. A. Legal socialization and individual deviant rights: relationships //falsafa va hayot xalqaro jurnal. – С. 49.

25. Kamariddinova K. A., Makhmudova A. N. PROBLEMS OF FORMATION OF TOLERANCE IN SCHOOLCHILDREN IN THE MODERN SCHOOL //Conferencea. – 2022. – С. 112-115.

26. Hamida A. PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF THE PARADIGMAL APPROACH TO THE CONCEPT OF MODERNIZATION //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 10. – №. 1. – С. 15-18.